

ЭНГ УЛУҒ БОЙЛИК, АЗИЗ ТУЙҒУ

1999 йил, 2 май.

Президентимиз бу кунни «Хотира ва қадрлаш кuni» деб эътироф этган сана. Шу кундан бошлаб, наадимида мураб ётган ўтмиш гўё ўйғонди ва муқаддас Ватанимиз гўё кўз очди. Бу — барча ҳамюртларимиз ушун ҚАДРнинг қайтган кuni эди. Давлатимиз раҳбарининг «Тарихий хотирасиз келажақ йўқ!» — деган пурмаъно таъбирининг том маънодаги исботи ҳам шу эди.

Мурғми, ўн бир йилдирки, халқимиз, айниқса, ёшларимиз шурида ўтганларни ёд этиш, тирикларни қадрлашдек инсоний феъилатлар тобора мустақам қарор топа бошладди. Тарихдан сабоқ чиқариб, ўтмишда йўл қўйилган католарни такорламай, миллий ўзлини англаган ҳолда музаффер ақдодларнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган авлоди эканлигимизни унутмай яшай бошладик. Зеро, бу ёруғ ва доруламон кунлар йўлида қурбон бўлганлар руҳини шад этиш, мўтабар кексаларимиза дуосини олиш, тинч ва осоёишта заминнинг қадрига етиш, шуқроналик туйғуларини ҳис этиш — бизга катта қувват бағишлади, руҳимизни локлаб, инон иймонимизни сақлаб, янги-янги орзу умидларга етказди...

Шундай улуг кунларда ўзининг инсоний бурчини ард этиб, жангү жадалларда ҳалок бўлганлар, бутунгидек осоёишта кунларга этиб кўлланмаганлар хотираси олдида бош эгиб, таъзим бажо келтириш ҳар биримизнинг нафақат бурчимиз, балки фарзу қарзимиздир. Айни чоғда орамада яшайтган уруш қатнашчиларини ҳар қанча қадрласак аравғуликдир. Зеро, уларнинг кўа ёши ила келтирган шуқроналик ҳис туйғулари, қалблари тўридан отилиб чиққан дуолари ҳамма азгу ишларимизга қувват бағишлаши, шаксия.

Яна бир ҳақати, бу галги «Хотира ва қадрлаш кuni» сонеси «Бархамол авлод йили»да нишонланаётгани ҳам ақдодлар ва авлодлар ўртаосидаги ришталарин янада мустақамлаб, ёшларни инсон хотираси ва қадрига бўлган эътиборни қувайтиради. Президентимизнинг хорий йил 24 мартдаги «Йилнинг жаҳон урушдаги Галабанинг 65 йиллиги нишонланиши муносабати билан 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва ногиронларини мушофотлаш тўғрисидаги фармони ҳар йилгидек кекса авлодларга қўрсатилаётган эҳтиромнинг навабатдаги ёрқин намунаси бўлиб, ёшларга ўтганларни ёд этиш ва тирикларни қадрлашга мисли оталарча даъватдир.

«Шароити» (3-бетдан)

БОШЛИҚИНИ БЕГЛАНИ

Ўзингиз ўйланг, бундан 65 йил муқаддам Иккинчи жаҳон урушидаги тарихий галабани таъминлашда юртдошларимиз қўрсатган жаборат ва ҳизматларининг ўрни ҳам, аҳамияти ҳам бекйёс бўлганлигини ким унута олади!? Ватандан минг-минглаб қақирим олмишларда кенган боаёе жангларда кўксини Мамлекат ҳимояси учун душман ўрға тутган, юрт соғинки ва туғишганлари ҳамда қадрдонлари дийдорини дилгяа тугиб, қурешларда жон олиб, жон берган минглаб ўзбек ўғлонлари мотонати қайси бир юракда мангу яшамайди, дейсиз!? Фронг-орғида «Фидойилик билан» меҳнат қилган, уруш туйғайли ота-онасидан айрилган европалик минглаб етим-ёриларга бошпана берган, ўзи ва фарзандларининг ризку насибасини улар билан баҳам қўрган меҳридарёе ватандошларимизни қайси бир халқ қайси бир миллат унута олади.!?

Фашизм устидан қозонилган Галабанинг бугунги 65 йиллик байрамини кунни барча эл-элат иқдор бўлиб турибдики, тинчликпарвар юрту ўнқалар орзиқиб кулган Галабани таъминлашда бошқа халқлар қатори ўзбек халқи ҳам жуда катта ҳисса қўшди. Уруш жангоҳларида 1,5 миллион нафардан ортиқроқ юртдошларимиз қон кечириб жанг қилди. Юртимизда ўша маҳал бор-йўғи қарийб 4 миллион аҳоли истиқомат қилгани инобатга олинса, бу жуда катта рақамни ташкил этади. 400 мингдан зиёд ватандошимиз машъум уруш олгани берган нуқталарда жон берди. Таҳминан 130 минг киши бедарак кетди. Буларнинг ҳаммаси халқимиз учун мислсиз йўқотиш эди.

Кўз олдингизга келтиринг: айни кузга тўлган бўз йигитлар қурбон бўлди, ногиронлик азоби рўлвара келди... қалбимизга ларза солмайди,

юрагингизга истироб имайдими?! Бедарак кетганлар тақдирни сўнгсиз ўйларга толдирмайдики? Улар ҳозирги ёруғ кунларда яшайтган сизу бизнинг — қай биримизнинг бобоимиз, қай биримизнинг отамиз эмасми-ди? Шу боис, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ўн биринчи йилки, 9 майни Хотира ва қадрлаш кuni сифатида нишонлаб келамиз.

Хотира ва қадр туйғулари муҳиятан, мазмунчан ва мангичан ўзаро боғлиқ тушунчалар. Хотира — бугунги эркин, фаровон ҳаёт йўлида жон олиб, жон берганларни ёдга олиш бўлса, Қадрлаш — орамида яшайтган, дилчимизга яқин, эл-юртта манзув инсонларни асраб-авайлаш. Уларнинг ҳаётини сарғимиздан берибим ёнгил қилиб, мушкуллари ечимида қўмак бериш ва вақтивакти билан ҳол-аҳволидан хабар олиб туриш қадриятдир.

«Йилон ҳаёти абадий эмас, — деган эди Юртбошимиз 2007 йил 9 мей кунни Хотира майдонда бўлган маросимда. — Лекин, хотира — мангу, абадий. Тарихий хотирасиз келажақ йўқ. Ўтганларни хотирламайдиган халқнинг эртаси ёруғ бўлмайди. Агар миллат ўзининг келажақини порлоқ қўрмоқчи

бўлса, унинг хотираси ҳамиша уйғоқ бўлмоғи шарт. Боким ҳар қандай халқ ва миллат кечаги ҳаётидан, ўзи босиб ўтган оғир ва машаққатли кунлардан, тарих синовларидан зарур ҳулоса ва сабоқлар чиқармоғи зарур.

Бу осани нишонлашдан мақсад, аввало Галабанинг муҳияти ва аҳамиятини, тинчликнинг қандай буюк нозмет эканини яна бир бор чуқур англашдан, одамзотни ҳамиша ҳушёр бўлишга, теварак-атрофдаги турли хил хавф-хатарлару бало-қазолардан огоҳликка даъват этишдан иборат бўлмоғи лозим. Инсоният тарихи урушнинг бошқа қайтарилмаслигига, бундай даҳшатларни одамзотнинг

ҳаётидан бутунлай ўчириб ташлашга даъват этадиган туйғу сифатида қабул қилишимиз даркор.

Афоуски, дунёнинг турли нуқталарида ҳамон зулм ва зуравонлик ҳукмрон, уруш оловлари ёнмоқда, жанг-жадаллар кетмоқда. Жаҳондаги нотинч вазият ва урушлар дунё аҳлини ташвишлантираётгани сир эмас...

Шу боис, халқимиз биз қандай тарихий шароитда, мураккаб замонда яшайтганимизни яқини англаш, вазиятга доим тўғри баҳр бера олиш ҳарак. Энг муҳими, огоҳлик ва хушроликни қўлдан бермай, атрофдаги воқеаларга мисбатим бедарак вақт кайда бўлибдики, ҳаётлик-осоёишталик, фаровон ҳаёт бунёдкорлар сифатида яшамоғимиз зарур.

Дарвоқо, халқимиз, айниқса, ёшларимиз ўзлигини англаб боргани сари уларнинг онғида «Биз кимлик, кимларнинг авлодимиз, кимлар билан фақрланамиз, биз уларга муносаб бўла олаямизми?» деган таҳлилий ёндашуве чуқурлашуви амелий намоён бўлса не бахт, не саодат?

Эртанги кун, ҳеч шубҳасиз, интеллектуал бой-

ликка эга бўлган миллатники, ёшларникидир. Ёш авлодни миллий қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш билан бир қаторда уларга замонавий билимларни эгаллашда биз катталар ҳамиша таъян ва суънч бўлишимиз даркор, албетта. Негаки, давр бизнинг олдимизга қўяётган талабларни англамоқ, билмоқ учун уларга сўзсиз замонавий билим, замонавий маданият керак.

Давлатимиз ва шахсан муҳтарам Президентимиз томонидан уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга, урушда ҳалок бўлганларнинг оилаларига пенсия ва нафақадан ташқари ҳар йили турли қўрғинида иктимий ёрдам қўрсатишмоқда. Уларнинг санаторий ва курортларда даволаниш, протез-ортопедия жиҳоз-

лари, ногиронлар арава-челари ҳамда бошқа тегишли воситалар билан таъминланишига, жамоат транспортда беғул юриш ва коммунал хизматлар бўйича имтиёзларга эга бўлишига катта эътибор берилаятир.

Қўшиқлардан бирида «дам ганимат, одам ганимат» деб қуйланади Дарвоқо, биз учун ота-боболаримиз, фахрийларимизнинг ҳаёти ганимат. Афоуски, уруш қатнашчиларининг сони йилдан-йилга камайиб бормоқда. Уч-тўрт йил муқаддам жойларда шу кулғу санани 20-25 минг нафар атрофида уруш қатнашчиси нишонлаган эди. Афоуски бу галги байрамга аса уларнинг даярли тенг-ярақчилик келди... «Қадирийларимизнинг» пелрисит бор, — деган ҳикмет бор. Шундай экан, биз қарияларимизни авайлаб, асраб ўз ҳаётларидан рози бўлиб яшашлари учун қўлдан келганча иззат-иқром қўрсатмоғимиз фарзу-қарзидир. Байрамларда шунчаки қултос билан миқояланмасдан, уларни шеҳарларга олиб бориш, тарихий обидалар билан таништириш, бунёдкорлик ишларимизни кўрсатиб, истиқлол берган имкониятлардан заковланишларига, бугунги замон билан ўтмишини қийсашларига имкон ва шарт-шароитлар яратишимиз зарур, албатта.

Биласиз, Хотира ва Қадрлаш майдони, бугунги кунда, наннки, Хотира ва Қадрлаш кuni, Балки йил бўйи зиёратчилар билан гаважум бўладиган оқод, муқаддас месанга айланган. Одамлар бу орға фақат томоша ёки сайр этиш учун қилишмайди, ўтганларни ёд этишда, хотирлашди. Бу туйғу бугунги тинч ва осоёишта ҳаётимиз ва тирик инсонларни қадрлашга даъват этади. Майдонга келган ҳар бир инсон қалбида шу табаркур юрт, шу азиз Ватан барқилимини, уни кўз қорачиғидек асраб-авайлаш — олий бурчимиз! деган ажиб бир туйғу жўш уради.

Муҳтасар айтганда, Хотира — энг улуг бойлик, Қадр — энг азиз туйғу. Уларсиз яшай бўлмайди. Аслида уларнинг сурати ҳам, сийрати ҳам бизнинг, ўзимиз. Улар қайси асрга, қайси йилга боғлиқ бўлмасин, ўз номи билан ўтмишга, мазийга дахлдир. Шундай экан, Хотирасиз, Қадрси ҳаётни ҳам, тирикликни ҳам тасаввур қилиш мушкул. Тарих уйғонаётган, хотира улугланаётган, қадриятлар эъозланаётган юртимизнинг ҳар бир гўшесиде индинга 9 мей — Хотира ва Қадрлаш кuni сифатида нишонланади. Хотира абадий яшар экан, қадр ҳам меҳр ҳам у билан ёнма-ён яшайди.

Хушёр МАМАТОВ.